

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14427292>

ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИДА ЁШЛАР ҲАЁТИ МАВЗУСИ ТАЛҚИНИ

Каримов Сардор Соибжон ўғли

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

Чизматасвир кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Мақолада юртимизда бадий таълим тизимида талабаларга “Рангтасвир” фанини ўқитишда замонавий рангтасвир санъатининг асосий тамойиллари услубларининг кенг қўламлиги ҳамда юқори ва чуқур ижрочилик маҳорати, образлар мазмундорлигини сақлаган ҳолда, реалистик анъаналардан тортиб, авангардлик, декоратив ё’лидаги изланишлар каби бир қатор вазифаларни белгилаш ва бунинг натижасида талабалар келажакда ўз ё’ларини топиб, етук рассом бўлиб шаклланиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** рангтасвир, услуб, образ, колорит, композиция, авангардлик, конструкциялаш, реалистик анъана, гризайл, пластик, стилистик.*

Тасвирий санъат бу гўзаллик демакдир. Ижод ахли борки, доим шу гўзалликка ошно бўлиб ижод қилади. Тасвирий санъат шунчалар чўқур тасаввурки, унинг так томири илдизларини ҳали ҳамон ижодкорлар томонидан забт эта олинмаган. Унга эришиш, етишиш йўлида тинмай ижод қилинмоқда. Мен ҳам шу ёш ижодкорлар сарасиданман. Кўпгина рассомлар ўз ижодий фаолиятларида эркинликни танлайдилар яни маиший жанрда ижод қиладилар. Бу жанр ижод ахли билан доим хамоханг тарзда юрадиган жанрлардан бири

бўлиб, кундалик турмушнинг ҳар хил воқеа ходисаларини санъатда ранглар орқали ифодаланишидир. Фото рассомлари бу кўринишларни фото лавхалар орқали муҳрласалар, тарихчилар тарих зарварақларида сўз орқали ёзиб қолдирадилар. Биз рассомлар эса бу таасуротларни ранг суртмалари орқали келажакка муҳрлаймиз.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларидан бўён ёшларга берилаётган имкониятлар, уларни қўллаб-қўвватлаш борасида олиб борилаётган ишлар жадал суратларда кетмоқда. Бу президентимиз томонидан эълон қилиниб келаётган ҳар йилнинг номида ўз аксини топган. Жумладан 2021 йил ҳам “Ёшларни қўллаб-қўвватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб эълон қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилдир. 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Президентининг Олий мажлисга навбатдаги мурожатномасида сўзлаган нутқида шундай деган эди: Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажакини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарни пухта эгаллаган, азму-шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз. Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учунчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоийлар ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.

Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш барчамиз учун энг устивор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз

халқимизнинг асрий орзу умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.¹

Мухтарам президентимизнинг биз ёшлардан умидлари катта. Бизнинг келажагимиз учун қўлларидан келган барча имкониятларни яратиб бермоқдалар. Биз фақатгина шу имкониятлардан оқилона фойдалана олишимиз керак.

Шу ўринда мен ҳам мустақил Ўзбекистоннинг ёш ижодкори сифатида ушбу яратаётган асарим мавзусини ёшларга қаратдим. Уларнинг озод ва обод юрт фарзандлари эканлигини, тинч ва осойишта заминда орзулари оғушида, эркин ўсаётганликларини гўзал шаҳар манзараси билан ҳамохангликда тасвирлашга ҳаракат қилдим ва буни кўрсатиб бера олдим. Ушбу асаримни яратишда кўплаб изланишлар олиб бордим. Таниқли ўзбек ва рус рассомлари ижодини мунтазаб кузатиб эскизлар ёздим.

Маиший ҳаётни янгича ҳис этиш, янгича талқин қилиш ҳиссиёти пайдо бўла бошлади. Рассом сифатида саноат, шаҳар, лирик воқеаларни акс эттирмай, табиатга иштиёқим ортиб борди.

Маиший жанрда ҳам композициянинг талаблари мавжуд. Мазмун ва ғояни композитсиянинг маълум воситаларида очиқ бериш: кўриш нуқтаси уфқ, фазовий узоклашиш, шунингдек, композитсия маркази, асосий ва иккинчи даражали предметлар ёруғлиги, тус, ранг, колорит муносабатларига риоя қилишдан иборат. Перспектива қонунлари, мувозанат, симметрия, динамика вазифаларидан тўғри фойдалана билиш керак. Композитсия тузилиши ҳона чеккаси интерер ёки очоқ ҳавода бўлса-да, асосий ўринни одам қиёфасининг тасвири эгаллайди. Рассомнинг ҳаётни кузатиши натижасида бўлган мавзуга оид кўплаб бажарилган ҳомаки чизги, этюд, эскизлар композитсия тузилишига асос бўлади.²

¹ Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги олий мажлисга навбатдаги мурожаатномасида сўзлаган нутқи.

² <http://eduportal.uz/janlar.8/band/9-10.htm>

Икки, уч фигурали композиция тузиш учун уйда ёки ишхонада одамларнинг меҳнат қилиш ёки дам олиш жараёнини тасвирлаш учун унинг касби, ҳарактерини, ҳаётдаги воқеанинг қизиқарли ҳолатини ўрганиш лозим. Натурадан бажариш билан бир қаторда ҳаёлдан ва тасаввур қилиб ишлашни, машқ қилишни одатга айлантириш керак. Буларнинг ҳаммаси бадиий ижод жараёнининг ўсишига, тасаввурини бойитишда муҳим восита бўлиб ҳизмат қилади.

А.Иванов нинг ўзининг “Пляждаги болалар”, “Исонинг ҳалққа кўриниши” инсонни табиат кўйнида очик ҳавода тасвирланишига, нафис, моҳирона ишланганлиги, куёш нури ёритилганлиги, табиатдаги дам олаётган болалар, бўй баровар турли ҳолатда тасвирланган А.Иванов ижодининг ғоявий йўналиши, пленер, реалистик пейзаж, портрет, сюжетли композиция яратишдаги рус сайёр рассомлари учун бадиий мактаб, кўргазмали бир намуна бўлиб ҳизмат қилади.

Маиший асарида инсон шахси, ақл заковатини, ички туйғуларини тасвир орқали кўшиқ қилиб куйлайди ва инсон образини яратади. Тасвирий санъатдаги маиший жанрига оид асарлар инсонга мухаббат ва гўзаллик фазилатларини шакллантиради. Рассомлар тарихий ва ботал мавзудаги асарларда бевосита маиший жанрга ҳам муружат қиладилар, этюд, эскизлар ёзадилар.

XX асрни 50 чи йиллари ўзбек манзара жанрида Урол Тансиқбоев карвонбоши бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалик тематикасига оид асарлар ярата бошлади.¹

1950 йили «Ўзбекистонда баҳор», «Пахтани суғориш» асарини яратди. Эрта билан эсаётган майин шабада ва шилдираб оқаётган сув, салқин табиатни уйғониши томошабинда қувончли ҳиссиётни уйғотувчи таъсирчан воситадир. Ҳаётни объектив қонунлари ва инқилобий ривожланишини эпик ҳолатда юзага келиши «Она ўлка» асарида (1951 й) ўз аксини топди. Композиция эчимини панорама усулида эчиш, рассом ижодининг характерли нуқталаридан бўлиб

¹ Maqola muallifi musiqashunos Otanazar Mat`qubov.

қолди. Айниқса чўлни очишга бағишланган «Тахна-Ташу» ва «Иссиқ кўл» номли асарларида намоён бўлади.

Маиший жанрнинг бир неча турлари мавжуд: Шаҳар (Архитектура), қишлоқ тоғ манзара, саноат (завод, фабрика, иншоат қурилиш), тарихий, романтик, лирик, панорама (кўринишида) мотивлари шулар жумласидандир. Буларни ҳар бири негизида ифодаловчи мазмун, ғоя ётади.¹

Бунда нафақат юртимиз, шунингдек жаҳон илм-фани, маданияти, санъати равнақи ва цивилизациясига ўлкан ҳисса қўшган буюк рассомларимизнинг асарларини ўрганиш, улар ҳақидаги маълумотларни тўplash, сақлаш ва ёш авлодга етказиш мақсадида олиб борилган илмий изланишлар ўз аксини топган. Ўзбекистонда муסיқа, тасвирий санъат, дастгоҳли, маҳобатли ва амалий санъат соҳаларида мустиқилликдан сўнг катта муваффақиятларга эришилганлиги тасодифий эмас. Ушбу масала бугунги кунда чуқур тадқиқот сифатида деярли ўрганилмаганлиги мавзунинг долзарблиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустиқиллик йилларида бадиий ижоднинг бошқа турлари қатори тасвирий санъат соҳаси ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1997 йил 23 январда имзоланган “Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида”ги фармон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартда қабул қилинган шу йўналишдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.² Муҳими, санъатда мафкуравий назоратни бекор қилиниши натижасида ижод эркинлигини қўлга киритган рассомлар услубий ранг-барангликда ижод қила бошладилар. Бу жараён эса, санъатда изланишлар, турли услуб ва йўналишларнинг ривожланишига олиб келди. Мазкур тарихий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар асосида Бадиий Академия томонидан ўтган йигирма икки йил мобайнида тасвирий санъат соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, рассомлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январда имзоланган “Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида”ги ПҚ-2881-сон қарори

моддий ва маънавий манфаатларини рўёбга чиқариш, ёш рассомларни тарбиялаш борасида кўп ишлар қилинди.

Бу ҳақда сўз борганда, Бадиий академия таркибида тасвирий санъат соҳаси бўйича миллий таълимнинг кўп босқичли тизими шакллантирилгани, “San’at” журнали ташкил этилиб, у 1998 йилдан буён уч тилда – ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилаётгани, бой бадиий меросимиз ва замонавий тасвирий санъатимизнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг моддий, илмий-услубий базаси мустаҳкамланганини таъкидлаш ўринлидир. Шу билан бирга, халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш бўйича ўзига хос тизим шаклланигани, мамлакатимизнинг кўплаб рассомлари халқаро анжуман ва кўргазмалар, фестиваль ва танловларда қатнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритаётгани, ўнлаб ижодкорлар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани ҳам Бадиий академия фаолияти билан бевосита боғлиқ. Айни вақтда ҳозирги жадал суръатлар билан ривожланаётган даврнинг ўзи тасвирий санъат соҳасини янада тараққий эттириш, унинг бугунги кундаги ўрни ва мавқеини ошириш, Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини такомиллаштиришни талаб этаётганини эътироф этиш лозим ¹.

Хулоса урнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тасвирий санъатга жумладан ёш ижодкорларга берилаётган имкониятларнинг чеки йўқ. Биз ёшлар бу имкониятлардан оқилона ва ўз ўрнида фойдалана билмоғимиз ва ижобий натижалар билан Ўзбекистон келажаги равнақига ўз хиссамизни қўшмоғимиз лозим.

¹ “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига шарҳ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mamatov U.N. STUDY OF THREE PORTRAITS OF THE GREAT POET OF THE MIDDLE AGES, ALISHER NAVOI. — USE: Oscar Publishing Services, 2023. — ISSN – 2771-2141. — P. 15-20
2. Kasimov K.S. THE POSITION OF THE ARTIST IN MODERN SOCIETY. — USE: Oscar Publishing Services, 2023. — ISSN – 2771-2141. - P. 10-13
3. Allabergenov S.A. The Significance of Colors as an Emotional Factor in the Art of Painting. — USE: AMERICAN Journal of Public Diplomacy and International Studies, 2023. — ISSN (E): 2993-2157 — P. 148-150
4. Mahmudov B.T. Perception of Miniature Works through an Artistic Image. — USE: IJNRAS, 2023. — ISSN: 2751-756X. - P. 179-182
5. Mahmudov B.T. THE ARTIST’S PSYCHOLOGICAL PERCEPTION OF COLORS, Innovation and Integrity, 2023. — ISSN: 2792-8268.
6. Umirzakov R.R. IMAGINATION ALLOWS A PERSON TO REALIZE MANY PROJECTS. — European Journal of Innovation in Nonformal Education, 2023. — ISSN - 2795-8612 - P. 158-161
7. Хо‘janiyozov R.Q. O‘ZBEKISTON TASVIRIY SAN’ATIDA O‘ROL TANSIQBOYEV IJODI VA FAOLIYATI. – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. – ISSN: 2181-3191 – B. 78-79
8. Vokhidova G.I. Cubism in Fine Arts – Innovation and Integrity, 2023. – ISSN: 2792-8268 – P. 39-40
9. Королькова Е.Ф. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ, СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕКОРАТИВНО-ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023.- ISSN: 2181-3191 –P.107-111
10. Маматов Х.Н. ПОРТРЕТЫ ПОЭТЕССЫ МАХЛАР-АЙИМ НОДИРАБЕГИМ (1792-1842)

11. ГГ.), СОЗДАНИЕ УЗБЕКСКИМИ ХУДОЖНИКАМИ XX ТОГО ВЕКА, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. -ISSN: 2181-3191 –P. 254-259
12. Erkabayeva F.A YANGI O‘ZBEKISTON MAHOBATLI RANGTASVIR SAN’ATINING
13. BUGUNGI KUNDAGI TARAQQIYOT YO‘LI, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. -ISSN: 2181-3191 –B. 96-100
14. Xo‘janiyozov R.Q. FINI LINES UZBEKISTON PAINTING ART – Art and design Socil Science, 2022. –ISSN: 2181-2918 – B. 8-11
15. Erkabayeva F.A RAHIM AHMEDOVNING IJODIY YO‘LI VA INSON PARVARLIK G‘OYALARI, –So‘z san’ati, 2022.- ISSN: 2181-9297 –B. 64-68
16. “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига шарх
17. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги олий мажлисга навбатдаги мурожаатномасида сўзлаган нутқи.
18. В.Азимова. Natyurmort tuzi shva tasvirlash metodikasi. - Toshkent: O‘qituvchi, 1984.
19. N.Abdullaev. San’at tarixi. 2 qismlik. I – qism. – Toshkent, 1987.